



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

АХБОРОТНОМАСИ

№ 3(9)
2004

ТОШКЕНТ — 2004

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
АХБОРОТНОМАСИ

2004 № 3 (9)

1999 йилдан чиқа бошлаган

**МУАССИС — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Материаллар ҳар бир сонда ўзбек ва рус тилларида босилади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ

Бўритош МУСТАФАЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ҳабибулла АВЕЗОВ

Комилжон АДИЛОВ

Ҳасан БЎРИЕВ

Иван КЕЛЕШ

Ойбек СОАТОВ

Жанабай САДИКОВ

Бобоқул ТОШЕВ

Сайёра ХОДЖАЕВА

Темур ШИРИНОВ

Комилжон ЮСУПОВ

Садикжон КАСИМОВ

Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ

БОШ МУҲАРРИР

Низомиддин НУРМАТОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 1.
Телефон: 139-43-91

Босишга рухсат этилди 2004.23.11. Бичими 60×84¹/₈.
Офсет босма. Шартли б.т. 31,62. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 165.

«ARNAPRINT» масъулияти чекланган жамиятида саҳифаланиб чоп этилди. 700182, Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51.

МУНДАРИЖА

3

Бўритош Мустафаев. Сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари

7

С. Ходжаева. Ўзбекистонда сайловларни ошқора ўтказиш механизмлари ҳақида

9

Ш. Қудратхўжаев. Оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этиши амалиёти ва тажрибаси

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

13

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг харажатлар сметаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

14

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси муҳрининг намунаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

16

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

42

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

52

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

134

Хабарлар

Б.МУСТАФАЕВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси Раиси*

САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бу йил Ўзбекистонда муҳим сиёсий воқеа — икки палатали парламентга ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар яққол намоён бўлади».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида таъкидланишича, халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асосини ташкил этиши керак, бу ирода вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойилига мувофиқ ҳамда яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган шакллар воситасида ўтказилиши лозим. Шу ўринда, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида юзага келган сайлов қонунлари юқоридаги қоидага уйғун тарзда яратилганлигини эътироф этиш жоиз.

XVIII аср охири — XIX аср ўрталарида яшаб ўтган Австрия империяси канцлери Клемент Меттерних вакиллик бошқарувига шундай таъриф берган экан:

«Вакиллик бошқаруви — бу шундай мураккаб ва нозик мусиқа асбоби-ки, уни фақат ўта моҳир санъаткорларгина чалиши мумкин». Таниқли давлат арбоби айтган ушбу сўзлар парламентаризмнинг жамият ҳаётидаги мавқеи нечоғлик муҳим эканлигини англатиб турибди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдумида икки палатали парламент тизимига ўтиш юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида бўлажак сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар яратилди. Булар: «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар бўлиб, улар давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатларнинг ўзгарган жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди ҳамда Асосий Қомусимизга ўзгартишлар киритишга асос бўлиб хизмат қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги янги Қонунларнинг нормаларида белгиланган демократик тамойиллар эса халқаро ҳуқуқ меъёрларига жавоб берадиган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятлар ўз ифодасини топган бўлиб, бу энг аввало, сайловчилар ҳуқуқларини кафолатланишида ва сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишида, сайлов комиссияларини ўзига хос шакллантириш тартиби ва уларнинг таркибига бирон бир сиёсий партияга мансуб шахсларни киритмаслик қоидаларининг ўрнатилганлигида кўзга ташланади.

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари — умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш каби тамойиллардан иборат.

Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга кирган ҳар бир фуқароси сайлов ҳуқуқига эгаллигида, сайловчилар рўйхатига сайлов участкаси ҳудудида муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилишида, ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкинлигида, барча фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинганлигида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланган.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилининг маъноси шуки, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овозга эга, бундан ташқари, сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади — аёллар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқларига эга, ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон бир афзалликка эга эмас, яъни фуқароларнинг келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқӣй ва миллий мансублигидан, маълумотидан, динга муносабатидан, машғулотларининг туридан қатъи назар ҳеч бир чеклашларга йўл қўйилмаслиги тенг сайлов ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродаларини билдиришларига четдан таъсир кўрсатиш ва уларни назорат этишга йўл қўйилмайди. Сайловчилар номзодларга сайлов вақтида бевосита ижобӣй ёки қарши овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар ўтказиш тартиби сайловчиларнинг сайловда ихтиёрӣй равишда қатнашишига асосланган. Ҳеч ким фуқароларни сайловга қатнашишини ёки қатнашмаслигини мажбурий равишда амалга ошира олмайди. Сайловчиларнинг сайлов вақтида эркин хоҳиш билдиришини таъ-

минлайдиган яна бир омил, сайлов куни ташвиқот ишларини юритишга йўл қўйилмайди.

Яширин овоз бериш тамойили. Бу тамойил сайловчилар ўз иродасини билдиришлари устидан назорат қилишга йўл қўйилмаслигини назарда тутаяди.

Сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сайловчилар ҳокимиятнинг вакиллик органлари депутатлигига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувларни ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтказилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларига доир ахборотни олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сайловчининг яширин овоз бериши кафолатланади. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун сайлов қутилари ўрнатилади, кабиналар жиҳозланади, сайлов бюллетенлари тайёр этиб қўйилади. Овоз бериш 26 декабрь, якшанба куни соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида мустақил равишда тўлдирилади. Кабинага кириб, яширин овоз бераётган пайтда четдан сайловчига таъсир ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилганидан кейин сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланади.

Сиёсий партиялардан ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқоти даврида номзодлари кўрсатилган округда сайловчилар билан учрашадилар ва улар олдида сўзга чиқадилар. Номзодларнинг бирига сайловчилар билан учрашув уюштириб берилса, мазкур округдан номзоди кўрсатилган бошқа депутатликка номзодлар учун ҳам худди шундай имконият яратиб берилиши керак. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение, радио, газетада чиқишининг тенг имкониятлари яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда номзодларга уларнинг ишончли вакиллари ёрдам берадилар. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод беш нафаргача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар уларни округ сайлов комиссияси рўйхатга олгандан кейингина ўз ишларига киришадилар.

Ишончли вакил депутатликка номзод қайси сайлов округида рўйхатга олинган бўлса, фақат ўша округдагина унинг сайланиши учун ташвиқот олиб бориши мумкин. Ишончли вакил барча даражалардаги сайлов комиссияларида, давлат органларида ва жамоат бирлашмаларида депутатликка номзоднинг манфаатларини ифода этишга ҳақли.

Сайлов кампаниясининг кенг ошкоралигини таъминлаш сайлов тўғрисидаги янги қонун ҳужжатларининг муҳим талабларидан биридир. Сайлов кампаниясига доир жами ахборот фуқароларимизнинг эътиборига ўз вақтида етказиб турилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб такомиллаштирилган Ўзбекистон сайлов қонунчилиги бўлажак сайловларда фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишда муҳим демократик пойдевор бўлиб хизмат қилади деб айтишимиз мумкин.

Шу ўринда Америка Қўшма Штатлари Президенти Авраам Линкольннинг сайловга доир айтган сўзларидан бирини келтирмоқчиман. У кишининг айтишича «Сайлов бюллетени — ўқдан ҳам кучли». Менимча сайловларнинг аҳамиятини, давлат қурилишидаги ўрнини бундан ортиқ тарзда таърифлаш қийин.

С.А.ХОДЖАЕВА

*Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси раиси ўринбосари*

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛАРНИ ОШКОРА ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ҲАҚИДА

1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси очиқ ва ошқора сайловларнинг фундаментал ва универсал ҳуқуқларни таъминлашда, демократик ҳукуматга эга бўлишни таъминлашдаги ролини эътироф этади.

Бугун Ўзбекистонда демократик сайловларни ўтказиш учун ҳуқуқий асос яратилган. Қонунларимиз халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос ва уларнинг талабларига тўла жавоб беради.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ошкоралик механизмлари масаласига келганда шунини айтиш керакки, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларда ушбу масала ўзининг аниқ ифодасини топган.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг барчасида сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказишда ошкораликнинг таъминлаш тўғрисида махсус моддалар мавжуд. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси айнан ошкораликка бағишланган.

Қонун, сайловларни ошқора ўтказишни биринчи навбатда сайлов комиссиялари зиммасига юклайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништириладилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

Ошкораликнинг таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди. Айниқса, бугун тумандаги қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи аҳоли учун радио ва телевиденияларнинг ўрни салмоқлидир. Энг муҳими сайловлар тўғрисидаги қонунлар ҳамма номзодларга бир хил, тенг муносабатда бўлишни ошкораликни таъминлашга ёрдам беради.

Қонунда кузатувчилар институтига ошкораликни таъминлаш борасида катта эътибор берилган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилот ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, сайловлар жараёнида ошкораликнинг таъминлашда нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг роли ҳам каттадир. Айниқса, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, олиб борадиган ишларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш муҳим-

дир. Сайловда рақобат бўлиши керак. Лекин рақобат соғлом, тўғри ва адолатли бўлиши лозим. Ана шунда ошкоралик сайловларда тўла-тўкис таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида қатнашадиган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатиладиган номзодлар ўз сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун телевидение, радиода эфир вақти ажратиш, республика газеталарида эса матбаа майдони ажратиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бунда икки хил имконият яратилади. Биринчиси давлат ҳисобидан, яъни текин эфир вақти ва матбаа майдони. Иккинчиси ҳақ тўлаш ҳисобига. Бу парламентимиз томонидан қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ушбу Қонуннинг 8-моддасида белгиланганидек, «сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади».

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидениеда, радиоэшиттириш ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга ҳам сарфланиши мазкур қонунда белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари зиммасига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка комиссияларининг фаолиятини, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини, сайлов жараёнининг барча босқичларини, шу жумладан, овоз беришнинг бориши, унинг натижаларини аниқлаш, сайловчиларнинг фаоллигини ҳар томонлама, ҳаққоний, холисона ёритиш вазифаси юкланади.

Сиёсий партияларнинг сайловчилар ташаббускор гуруҳларига қараганда устунлиги борлигини ҳам унутмаслик керак. Чунки ҳар бир сиёсий партиянинг ўз матбуот органи бор: «Ўзбекистон овози», «Миллий тикланиш», «Адолат», «Фидокор», «XXI ASR». Бу газеталар бошқа газеталардан фарқли ўлароқ фақат муайян партиянинг сайловга тайёргарлик кўриш жараёнини, бу борадаги фаолиятини ёритишини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Оммавий ахборот воситалари шу билан бирга сайлов комиссиялари, давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, мансабдор шахслар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари ўз вақтида қабул қилинаётганлиги ҳамда қонунийлиги устидан жамоат назорати вазифасини ҳам ўтайдилар.

Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида нафақат ахборот бобида хизматлар кўрсатадиган институт, балки ҳуқуқ ҳамда демократиянинг мустақил институти сифатида ўзларини намоён этадилар. Айнан шу боисдан ҳам қонун оммавий ахборот воситаларининг вакилларига сайловга тайёргарлик кўриш борасидаги тадбирларнинг барчасида, турли даражадаги сайлов комиссияларининг мажлисларида, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хонасида ҳамда овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари билан бирга ҳозир бўлиш ҳуқуқини беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчи эдимки, мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, матбуотимизни янада демократлаштириш борасида оммавий ахборот воситалари ҳақиқий тўртинчи ҳокимиятга айланиши учун олиб борилаётган кенг қўламли ишлар бўлажак икки палатали парламентга илк бор ўтказилаётган сайловда ўз самарасини беради.

Ш. ҚУДРАТХЎЖАЕВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов
комиссияси матбуот маркази раҳбари*

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИ
АМАЛИЁТИ ВА ТАЖРИБАСИ**

Сайлов жараёнида фақат овоз бериш яшириндир! Қолган ҳаммаси — **очиқ ошкора**, ёки, бугун русум бўлган сўз билан айтганда, **транспарентдир**.

Бу шунчаки чиройли гаплар эмас. Бу Ўзбекистонда эълон қилинган жорий парламент сайлов кампаниясининг ўзига хос шиоридир. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, шу шиор остида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази иш олиб бормоқда.

Сайлов жараёнидаги ошкоралик масаласига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлари тўғрисида»ги қонунда ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, қонуннинг олтинчи моддаси «**Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ошкоралик**» деб номланади. Унинг амалдаги мисолини эса Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказининг иш фаолиятида кўриш мумкин. Марказнинг эшиклари қалам аҳли учун доимо очиқ бўлиб, у маҳаллий ва хорижий журналистларга сайлов жараёнларини ёритишда кўмак бериш ва ахборот билан мунтазам равишда таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам худди шундай матбуот марказлари ташкил этилган бўлиб, бу ҳол ахборотнинг янада кенг тарқалишига асос бўла олади. Демакки, эндиликда журналистлар хоҳ Тошкентда бўлсин, хоҳ Урганчда, хоҳ Нукусда сайловларга оид ҳар қандай саволига мутахассис жавобларини топишлари мумкин.

Ўзбекистонда сайловларнинг ёритилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шу пайтгача сезиларди тараққиётга эришилганининг гувоҳи бўламиз. Республика Олий мажлисига дастлабки сайловлар 1994 йилда ташкил этилган бўлса, у пайтда сайлов кампаниясининг матбуотда ёритилиши масаласи билан бевосита шуғулланадиган алоҳида матбуот маркази ёки бошқа бир бўлинма бўлмаган. Ўшанда оммавий ахборот воситаларининг аксарияти давлат тасарруфида бўлгани учун Марказий сайлов комиссияси ҳам улар билан ишлашда кўпроқ маъмурий имкониятлардан фойдаланган. Шу тариқа 1994 йил сайловларини фақатгина учта нодавлат ОАВ ёритган. Буни Ўзбекистон ахборот ва матбуот агентлиги архив маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

1994 йил сайловларини ёритган ОАВ	
Газета	384
Журнал	66
Телестудия	19
Радио	2
Нодавлат ОАВ	3
Ахборот агентлиги	1
ЖАМИ	475

1999 йилда эса «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» янги қабул қилинган Қонунга кўра МСК ўз фаолиятини янги мақомда олиб борди. Шундай қилиб, Иккинчи чақириқ Олий Мажлисига сайловлар жараёнида Марказий Сайлов комиссиясининг махсус Матбуот маркази тузилиб, у журналистларга ахборот етказиб турди. Сайловларни эса 22 та нодавлат ҳамда 100 дан зиёд трансмиллий ва халқаро ОАВ ёритиб борди.

1999 йил сайловларини ёритган ОАВ	
Газета	490
Журнал	138
Телестудия	26
Радио	5
Нодавлат ОАВ	22
Ахборот агентлиги	4
ЖАМИ	685

Жорий сайловларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Марказий сайлов комиссияси тизимида Матбуот маркази билан бир қаторда матбуот хизмати ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу эса МСКнинг ОАВга ва жамоатчилик билан ишлашга бераётган катта эътиборидан далолатдир. Агентлик маълумотларига кўра, бу сафар сайлов кампаниясини 928 оммавий ахборот воситаси ёритиши кутилмоқда, шулардан 597 таси газета, 93 нодавлат ОАВ, шунингдек, телестудиялар, кабель каналлари, ахборот агентликлари ва бошқа.

2004 йил сайловларини ёритган ОАВ	
Газета	597
Журнал	145
Телестудия	43
Радио	12
Нодавлат ОАВ	93
Ахборот агентлиги	4
ЖАМИ	928

Марказий сайлов комиссияси журналистларни аккредитациядан ўтказди. Бу ҳақдаги аризалар турли минтақавий, нодавлат, электрон, тармоқ ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакилларида тушиб келган. Кўриш мумкинки, босма ва электрон матбуот хилма-хиллиги бу йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятига айланиб бормоқда. Қизиқиш билдириб, ҳужжатларини топширган ҳамма журналистларга алоҳида бейжиклар тайёрланиб, бу уларнинг ўзига хос кириш ҳужжатига айланди. Бу эса жараённи янада тартибли қилиб, жаҳон андозаларига яқинлаштиради.

Жорий сайлов кампаниясининг аввалгиларидан фарқи нафақат сонларда балки сифатда ҳам акс этади. Марказий сайлов комиссияси ва унинг матбуот марказларининг бутун иш фаолияти сайлов жараёнларига оид барча маълумотларнинг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган. Матбуот марказлари мунтазам равишда ишчи учрашувлар, семинар-тренинглар, анжуманлар ташкил этиб уларга журналистларда қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган барча доирадаги мутахассис ва мансабдор шахсларни таклиф қилмоқда.

Яқинда Интернетдаги www.elections.uz манзили бўйича Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ҳам ишга туширилди. Унда сайлов жараёнларига оид барча керакли ахборот, жумладан, сўнги янгиликлар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, МСК ҳақида маълумотлар ва бошқа маълумотлар жойлаштирилган. Шу кунгача веб-сайт 12 мингдан зиёд киши фойдалангани қайд этилди. Таъкидлаш керакки, 1999 йилда МСКнинг Интернетда бир саҳифаси бор эди холос, энди эса анча кенгроқ ҳисобланган веб-сайт устида алоҳида мутахассислар гуруҳи иш олиб бормоқда. Шунингдек, жаҳон ўргимчак тўридан фойдаланиш имконияти МСКнинг барча худудий матбуот марказларига ҳам таъминланади.

Халқ бохабарлигини янада ошириш мақсадида эса Ўзбекистон телевидениеси ва радиода сайлов қонунчилигига оид маърифий роликлар эфирга берилмоқда, МСК, сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида жонли кўрсатувлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам жорий сайловларни янги босқичга олиб чиқади. Оммавий ахборот воситаларга бунинг нима даҳли бор? Назаримда, улар учун бу фақат яхши янгиликлар дегани. Айниқса, тижорат, яъни нодавлат оммавий ахборот воситалари учун. Негаки эндиликда партиялар сиёсий реклама борасидаги барча харажатларни ўз бўйнига олиб, оммавий ахборот воситаларига маблағ ўтказишлари мумкин. Бундай ҳамкорлик хусусиятлари Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчиларнинг тшаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотида ОАВдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги махсус Низомда ҳам белгилаб ўтилган. Унда сиёсий реклама, сиёсий дебатлар, сайловолди ташвиқот каби тушунчаларнинг аниқ таърифи ҳам келтирилади.

Низомнинг асосий масалаларига тўхталиб ўтсам:

1. Сайлов иштирокчилар ОАВдан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эгадир.
2. Сиёсий партиялар учун давлат телевидениесида бепул эфир вақти ажратилиб, у ҳафтасига прайм-таймда 40 дақиқани ташкил этади.
3. Шунингдек, пулли эфир вақти ёки матбуотда жой миқдори ҳамда молиялаштириш манбалари белгиланган. ОАВлар ҳамма сайлов иштирокчилар учун тенг бўлган тўлов нархларини ўзлари белгилайди.
4. ОАВ ва сайлов иштирокчилари ўртасидаги ҳар қандай ҳамкорлик шартномавий асосга эга бўлиши керак. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиб, нақд пул бериш ман этилади.
5. Депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар ОАВларда бир хил жойда, тенг ҳажмда ва бир хил вақтда берилиши керак.
6. Номзодларнинг телевидение ёки радиодаги чиқишларининг кетма-кетлиги қуръа ташлаш йўли ёки алфавит тартибида белгиланади.
7. ОАВ уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар номзодларга ажратилаётган эфир вақти ва жой ҳажмини назорат қилиб, бу ҳақдаги ахборотни МСКга тақдим этиши керак.
8. ОАВ таҳририяти номзодлар томонидан тақдим этилган ахборотни номзодларнинг розилигисиз таҳрир қилиши мумкин эмас.
9. Сайлов иштирокчилари томонидан таъсис этилмаган ОАВлар ўз адади ёки даврийлиги ўзгартириб номзодлардан бирига устунлик бериши мумкин эмас.

10. Агар ОАВ вакили депутатликка номзод сифатида тафсия этилса, у сайловолди ташвиқоти даврида ўз лавозимидан вақтинчалик четлаштирилади ва унинг маоши сайловларга ажратиладиган маблағ ҳисобидан сақлаб қолинади.

11. ОАВ депутатликка номзодлар ҳақида ёлғон маълумот тарқатиши мумкин эмас. Агар бундай ахборот эълон қилинса, номзод ОАВдан раддия талаб этиши мумкин.

12. ОАВ сайлов иштирокчиларининг хайрия фаолияти ҳақида ахборот тарқатиши мумкин эмас.

Кўриниб турганидек, МСК оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси иложи борича ҳалол ва адолатли утиши учун ҳамма омилларни яратиб берган. Қонунчиқарувчи Палатада депутатлик курсиси учун бўладиган курашнинг тенг, очиқ ва олийжаноблик билан борилишининг ҳамма омиллари бор. Умид қиламизки, матбуот вакиллари ҳам ушбу жараёнининг транспарентлигини таъминлашга ёрдам беради. Шундагина сайлов жараёнида халқ учун ҳеч қандай сир қолмаслиги муқаррар.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг харажатлар сметаси тасдиқлансин.

**Марказий сайлов
комиссиясининг Раиси**

Б.МУСТАФАЕВ

*Тошкент шаҳри,
2004 йил 18 сентябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
МУХРИНИНГ НАМУНАСИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давомида бир дона резина муҳрдан фойдаланиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси муҳрининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

3. Тавсифи келтирилган намунадаги 120 (бир юз йигирма)та муҳрларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайёрлатиб, округ сайлов комиссияларига етказиш Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатов зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг
Раиси**


Б.МУСТАФАЕВ

*Тошкент шаҳри,
2004 йил 18 сентябрь.*

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 11-моддаси

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов
ўтказувчи округ сайлов комиссияси муҳрининг
ТАВСИФИ**



Округ сайлов комиссияси муҳрининг диаметри — 45 мм. Айлана шаклида бўлиб, марказдан 22 мм. Узоқликда асосий айлана ва ундан 2 мм. Масофада яна бир айлана ўтказилган. Иккинчи айлана тагида айлана бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси» ёзуви бор. Ушбу матннинг тагида «00 НАВРЎЗ САЙЛОВ ОКРУГИ» матни ёзиб қўйилган. Сайлов округи номининг тагида яна бир ички айлана ўтказилган бўлиб, ичида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7,11-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

1-Оқтепа сайлов округи

(Маркази — Акмал Икромов туманидаги Курилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи).

Акмал Икромов тумани: Генерал Узоқов ва Х.Ғофуров кўчалари кесишган жойдан Генерал Узоқов кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шоҳруҳия кўчасигача, Шоҳруҳия кўчаси ўнг томони бўйлаб Собир Юсупов кўчасигача, Собир Юсупов кўчаси ўнг томони бўйлаб Фарҳод кўчасигача, Фарҳод кўчаси ўнг томони бўйлаб Заргарлик кўчасигача, Заргарлик кўчаси ўнг томони бўйлаб Катта Қаъни кўчасигача, Катта Қаъни кўчаси ўнг томони бўйлаб Гулистон 3-тор кўчасигача, Гулистон 3-тор кўчаси ўнг томони бўйлаб У.Умаров кўчасигача, У.Умаров кўчаси ўнг томони бўйлаб Шевердин кўчасигача, Шевердин кўчаси бўйлаб 30- ва 31-мавзелар чегарасигача, 30- ва 31-мавзелар чегаралари бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли ўнг томони бўйлаб Бўзсув каналигача, Бўзсув канали ўнг томони бўйлаб Қорақамиш каналигача, Қорақамиш каналининг ўнг томони бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Жарариқ каналигача, Жарариқ канали оқимиға қарши ўнг томони бўйлаб Х.Ғофуров кўчасигача, Х.Ғофуров кўчасининг ўнг томони бўйлаб Генерал Узоқов кўчалари кесишган жойгача бўлган чегараларда **(124,0)*** .

2-Дархон сайлов округи

(Маркази — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти).

Мирзо Улуғбек туманининг бир қисми: Амир Темур хиёбони айланма йўли А.Пушкин кўчаси билан кесишган жойдан А.Пушкин кўчаси бўйлаб Буюк Ипак йўли кўчасигача, Буюк Ипак йўли кўчаси бўйлаб академик Ҳ.Абдуллаев кўчаси билан кесишган жойгача, академик Ҳ.Абдуллаев кўчаси бўйлаб Темур Малик кўчаси билан кесишган жойгача, Темур Малик кўчаси бўйлаб темир йўли кесишган жойгача, темир

* Қавс ичида ҳар бир округ бўйича сайловчилар сони кўрсатилган.

йўли бўйлаб 3-сонли трамвай-троллейбус депосининг ҳудуди чегараси билан «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти темир йўли бўғини бирлашган жойгача, «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти темир йўли бўғини бирлашган жойдан темир йўли бўйлаб Қорасув ариғигача, Қорасув ариғи, «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти ҳудуди чегараси бўйлаб «Хумоюн» мавзеси ҳудуди чегарасигача, «Хумоюн» мавзеси ҳудуди чегараси бўйлаб Қорасув ариғигача, Қорасув ариғи бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўли билан кесишган жойгача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Паркент йўли кўчасигача, Паркент йўли кўчаси бўйлаб Тошкент кичик ҳалқа йўли билан кесишган жойгача, Тошкент кичик ҳалқа йўли бўйлаб Салор ариғи билан А.Қаюмов кўчасигача, А.Қаюмов кўчаси бўйлаб М.Мусахонов кўчасигача, М.Мусахонов кўчаси бўйлаб Амир Темур хиёбони айланма йўлигача, Амир Темур хиёбони айланма йўли бўйлаб А.Пушкин кўчаси билан кесишган жойгача бўлган чегараларда **(106,5)**.

3-Темирйўл сайлов округи

(Маркази — Миробод туманидаги Темир йўлчилар маданият саройи).

Миробод тумани: Матбуотчилар ва Буюк Турон кўчалари кесишган жойдан Матбуотчилар кўчаси бўйлаб Й.Охунбобоев кўчасигача, Й.Охунбобоев кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Истиқбол кўчасигача, Истиқбол кўчаси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Ким Пен Хва кўчасигача, Ким Пен Хва кўчаси бўйлаб Файзиобод 1-тор кўчасигача, Файзиобод 1-тор кўчаси бўйлаб Сирғали тумани маъмурий чегарасигача, Сирғали тумани маъмурий чегараси бўйлаб Бишкент кўчасигача, Бишкент кўчаси бўйлаб Эски Отчопар кўчасигача, Эски Отчопар кўчаси бўйлаб Қорасув ариғигача, Қорасув ариғи бўйлаб темир йўлигача, темир йўли бўйлаб Локомотив кўчасигача, Локомотив кўчаси бўйлаб А.Қаҳҳор 3-тор кўчасигача, А.Қаҳҳор 3-тор кўчаси бўйлаб Оқйўл кўчасигача, Оқйўл кўчаси бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасигача, Кичик Бешёғоч кўчаси бўйлаб Кичик Миробод кўчаси орқали Ивлев кўчасигача, Ивлев кўчаси бўйлаб Миробод кўчасигача, Миробод кўчаси бўйлаб Д.Кунаев кўчасигача, Д.Кунаев кўчаси бўйлаб Буюк Турон кўчасигача, Буюк Турон кўчаси бўйлаб Матбуотчилар кўчасигача бўлган чегараларда.

Бектемир тумани: Тошкент автомобиль ҳалқа йўлининг «Роҳат» айланма йўлидан Бектемир тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегараси бўйлаб «Бахт» ва «Роҳат» кўллари ўз ичига олган ҳолда Оҳангарон шоҳкўчаси бўйлаб Бектемир-Янгибозор чорраҳасигача, Бектемир-Янгибозор чорраҳасидан Бектемир тумани ва Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани чегараси бўйлаб Чирчиқ дарёсигача, Чирчиқ дарёси поймасидан ўнг қирғоғига ўтиб, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб Х.Худойкулов кўчасигача, Х.Худойкулов кўчаси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлини кесиб ўтиб Истиқбол кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўли кесишган чорраҳагача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб «Роҳат» айланма йўлигача ва Бинокор кўрғони ҳудуди тўлиқ қамраб олган чегараларда.

Ҳамза туманининг бир қисми: З.Шамсуддинова ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойдан З.Шамсуддинова кўчаси ўнг томони бўйлаб темир йўлигача, темир йўли бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли ўнг томони бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб З.Шамсуддинова кўчасигача бўлган чегараларда **(112,5)**.

4-Қорақамиш сайлов округи

(Маркази — Собир Раҳимов туманидаги Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи).

Собир Раҳимов туманининг бир қисми: Абдураҳмонов ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишган жойдан Абдураҳмонов кўчаси бўйлаб Собир Раҳимов кўчасигача, Собир Раҳимов кўчаси бўйлаб Зарқайнар кўчасигача, Зарқайнар кўчаси бўйлаб Ботир Зокиров кўчасигача, Ботир Зокиров кўчаси бўйлаб Беруний шоҳкўчасигача, Беруний шоҳкўчаси бўйлаб Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчаси бўйлаб, Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Дўстлик кўчасигача, Дўстлик кўчаси бўйлаб Мевазор кўчасигача, Мевазор кўчаси бўйлаб М.Каримов 4-тор кўчасигача, М.Каримов 4-тор кўчаси бўйлаб Парвариш 5-берк кўчасигача, Парвариш 5-берк кўчаси бўйлаб Сағбон 13-берк кўчасигача, Сағбон 13-берк кўчаси бўйлаб Ўрозбоев кўчасигача, Ўрозбоев кўчаси бўйлаб Зиёмов кўчасигача, Зиёмов кўчаси бўйлаб Қичқирӣқ кўчасигача, Қичқирӣқ кўчаси бўйлаб Абдураҳмонов кўчасигача, Абдураҳмонов кўчаси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача бўлган чегараларда **(108,0)**.

5-Кўйлик сайлов округи

(Маркази — Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи).

Сирғали тумани: Янги Сирғали кўчаси ва Шоқир ариғи кесишган жойдан Янги Сирғали кўчаси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Ким Пен Хва кўчасигача, Сирғали ва Миробод туманлари чегараси, Ким Пен Хва, Файзиобод 1-тор, Бешкент, Ипподром, Фарғона йўли 2-тор, Фидойилар, Фитрат, Локомотив кўчалари бўйлаб Сирғали ва Яккасарой туманлари чегарасигача, Сирғали ва Яккасарой туманлари чегараси бўйлаб Сирғали ва Чилонзор туманлари чегарасигача, Сирғали ва Чилонзор туманлари чегараси бўйлаб Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача, Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегараси бўйлаб Жўн ариғигача, Жўн ариғи бўйлаб Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача, Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегараси бўйлаб Салор каналигача, Салор канали бўйлаб Янги Сирғали кўчасигача, Янги Сирғали кўчаси бўйлаб Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача, Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегараси бўйлаб Бел коллекторигача, Бел коллектори бўйлаб Қипчоқ кўчасигача, Қипчоқ кўчаси бўйлаб Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача, Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегараси бўйлаб Чортоқ ариғигача, Чортоқ ариғи бўйлаб Сирғали ва Бектемир туманлари чегарасигача, Сирғали ва Бектемир тумани чегаралари бўйлаб Чортоқ ариғигача, Чортоқ ариғи бўйлаб Ёқубов 2-тор кўчасигача, Ёқубов 2-тор кўчаси бўйлаб Ёқубов кўчасигача, Ёқубов кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача, Сирғали тумани ва Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасидан Шоқир ариғигача, Шоқир ариғи бўйлаб Шоқир ариғи ва Янги Сирғали кўчаси кесишган жойгача бўлган чегараларда.

Чилонзор туманининг бир қисми: Бирлик ва Халқлар Дўстлиги шоҳкўчалари кесишган жойдан Бирлик кўчаси бўйлаб 6-Чоштепа кўчасигача, 6-Чоштепа кўчаси бўйлаб Эркин кўчасигача, Эркин кўчаси бўйлаб Зангиота тумани чегарасигача, Зангиота тумани чегараси бўйлаб Халқлар дўстлиги шоҳкўчасигача, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси бўйлаб Бирлик кўчасигача бўлган чегараларда **(108,7)**.

6-Саноат сайлов округи

(Маркази — «Ўзенганлойдиха» институти).

Ҳамза туманининг бир қисми: Амир Темур хиёбонидан Й.Охунбобоев кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб З.Шамсуддинова кўчасигача, З.Шамсуддинова кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Оҳангарон шоҳкўчасигача, Оҳангарон шоҳкўчаси бўйлаб Галабанинг 40 йиллиги 1,2,3,4-мавзелирини ўз ичига олган ҳолда туманининг ҳудудий чегараси бўйлаб Аэродром кўчасигача, Аэродром кўчасидаги хусусий сектор хонадонларини ўз ичига олган ҳолда Оҳангарон шоҳкўчасигача, Оҳангарон шоҳкўчаси бўйлаб Паркент кўчасигача, Паркент кўчаси бўйлаб кичик ҳалқа йўлигача, кичик ҳалқа йўли бўйлаб Салор ариғигача, Салор бўйлаб 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтини ўз ичига олган ҳолда М.Мусахонов кўчасигача, М.Мусахонов кўчаси бўйлаб Амир Темур хиёбонигача бўлган чегараларда **(112,2)**.

7-Дўмбиробод сайлов округи

(Маркази — 1-Педагогика билим юрти).

Чилонзор туманининг бир қисми: Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси ва Анҳор канали кесишган жойдан Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси бўйлаб Чўпонота кўчасигача, Чўпонота кўчаси бўйлаб Чилонзор кўчасигача, Чилонзор кўчаси бўйлаб Гагарин кўчасигача, Гагарин кўчаси бўйлаб Бўрижар каналигача, Бўрижар канали оқими бўйлаб Тирсақобод кўчасигача, Тирсақобод кўчаси бўйлаб Бирлик кўчасигача, Бирлик кўчаси бўйлаб Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасигача, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб У.Умаров кўчасигача, У.Умаров кўчаси бўйлаб Гулистон 3-тор кўчасигача, Гулистон 3-тор кўчаси бўйлаб Катта Қаъни кўчасигача, Катта Қаъни кўчаси бўйлаб Заргарлик кўчасигача, Заргарлик кўчаси бўйлаб Ал-Хоразмий майдонигача, Қатортол кўчаси бўйлаб Фарҳод кўчасигача, Фарҳод кўчаси бўйлаб (Кичик ҳалқа йўли) У.Юсупов кўчасигача, У.Юсупов кўчаси бўйлаб Оқтепа каналигача, Оқтепа канали оқимиға қарши бўйлаб Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасигача бўлган чегараларда.

Акмал Икромов туманининг бир қисми: Шевердин ва У.Умаров кўчалари кесишган жойдан Шевердин кўчаси бўйлаб 30- ва 31-мавзелар чегарасигача, 30- ва 31-мавзелар чегараси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб У.Умаров кўчасигача, У.Умаров кўчаси бўйлаб Шевердин кўчасигача бўлган чегараларда **(118,1)**.

8-Хадра сайлов округи

(Маркази — «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси).

Шайхонтоҳур тумани: Форобий кўчаси ва Тошкент автомобиль ҳалқа йўли кесишган жойдан Форобий кўчаси бўйлаб Беруний кўчасигача, Беруний кўчаси бўйлаб Ботир Зокиров кўчасигача, Ботир Зокиров кўчаси бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб Зарқайнар кўчасигача, Зарқайнар кўчаси ва Давлат цирки биноси орқа томони бўйлаб Фафур Фулом кўчасигача, Фафур Фулом кўчаси бўйлаб Кайқовус ариғигача, Кайқовус ариғидан Собир Раҳимов кўчаси бўйлаб Ҳусниддин Асомов кўчасигача, Ҳусниддин Асомов кўчаси бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор канали оқими

бўйлаб Ўзбекистон кўчасигача, Ўзбекистон кўчаси бўйлаб Халқлар Дўстлиги шоҳ-кўчасигача, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси бўйлаб Оқтепа каналигача, Оқтепа канали оқими бўйлаб Шоҳруҳия кўчасигача, Шоҳруҳия кўчаси бўйлаб Генерал Узоқов кўчасигача, Генерал Узоқов кўчаси бўйлаб Холиқ Фафуров кўчасигача, Холиқ Фафуров кўчаси бўйлаб Истироҳат кўчасигача, Истироҳат кўчаси чегарасидан юқори қувватли линия бўйлаб Жарариққача, Жарариқ оқими бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Форобий кўчасигача бўлган чегараларда (131,3).

9-Бодомзор сайлов округи

(Маркази — Тошкент ахборот технологиялари университети).

Юнусобод туманининг бир қисми: Амир Темур ва Муртазоев кўчалари кесишган жойдан Амир Темур кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Теша Зоҳидов кўчасигача, Теша Зоҳидов кўчасининг ўнг томони бўйлаб Деҳқонобод кўчасигача, Деҳқонобод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Неъмат кўчасигача, Неъмат кўчаси бўйлаб Ж.Обидова кўчасигача, Ж.Обидова кўчаси бўйлаб Салор ариғигача, Салор ариғи оқими бўйлаб темир йўлигача, темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Ж.Обидова кўчасига олиб чиқадиган кўчанинг чап томонидан И. Аҳмад кўчасигача, И. Аҳмад кўчасидан Х.Эргашев кўчасигача, Х.Эргашев кўчасининг ўнг томони бўйлаб Мажид Баҳодиров кўчасигача, Мажид Баҳодиров кўчаси бўйлаб Қ.Махсумов кўчасигача, Қ.Махсумов кўчаси бўйлаб Муртазоев кўчасигача, Муртазоев кўчаси бўйлаб Амир Темур кўчасигача бўлган чегараларда.

Мирзо Улуғбек туманининг бир қисми: Пушкин кўчаси ва Амир Темур хиёбони айланма йўли кесишган жойдан Амир Темур хиёбони айланма йўли бўйлаб Амир Темур кўчасигача, Амир Темур кўчаси бўйлаб Хоразм кўчаси билан кесишган жойгача, Амир Темур кўчаси билан Хоразм кўчаси кесишган жойдан А.Толстой кўчасигача, А.Толстой кўчаси бўйлаб А.Қаюмов ва Х.Саматова кўчалари кесишган жойгача, А.Қаюмов ва Х.Саматова кўчалари кесишган жойдан Х.Саматова кўчаси бўйлаб В.Малясов кўчаси билан кесишган жойгача, В.Малясов кўчаси ва Ниёзбек йўли кўчаси кесишган жойдан Ниёзбек йўли кўчаси бўйлаб Ниёзбек йўли 3-тор кўчасигача, Ниёзбек йўли 3-тор кўчаси бўйлаб Муртазоев кўчасигача, Муртазоев кўчаси бўйлаб Қ.Махсумов кўчасигача, Қ.Махсумов кўчаси бўйлаб Оққўрғон 1-тор кўчасигача, Оққўрғон 1-тор кўчаси бўйлаб А.Хўжаев кўчасигача, А.Хўжаев кўчаси бўйлаб Х.Эргашев кўчасигача, Х.Эргашев кўчаси бўйлаб И.Аҳмад кўчасигача, И.Аҳмад кўчаси бўйлаб Божхона коллежи ҳудуди чегарасигача, Божхона коллежи ҳудуди бўйлаб «Тошкент лок-бўёқ заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳудуди чегараси билан темир йўлигача, темир йўли бўйлаб Салор ариғигача, Салор ариғи бўйлаб Ж.Обидова кўчасигача, Ж.Обидова кўчаси бўйлаб Неъмат кўчасигача, Неъмат кўчаси бўйлаб Темур Малик кўчасигача, Темур Малик кўчаси бўйлаб академик Ҳ.Абдуллаев кўчасигача, академик Ҳ.Абдуллаев кўчаси бўйлаб Буюк Ипак йўли кўчасигача, Буюк Ипак йўли кўчаси бўйлаб А.Пушкин кўчасигача, А.Пушкин кўчаси бўйлаб Амир Темур хиёбони айланма йўли билан кесишган жойгача бўлган чегараларда (112,9).

10-Астробод сайлов округи

(Маркази — Юнусобод туманидаги «Тошкент» савдо фирмаси).

Юнусобод туманининг бир қисми: Аҳмад Дониш ва Жумамасжид кўчалари кесишган жойдан Жумамасжид кўчаси бўйлаб Иброҳим ота кўчасига, Иброҳим ота кўчаси бўйлаб Чуқурсой кўчасига, Чуқурсой кўчаси бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлига, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб Деҳқонобод кўчасига, Деҳқонобод кўчаси бўйлаб Теша Зоҳидов кўчасига, Теша Зоҳидов кўчаси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасига, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Файратий кўчасига, Файратий кўчаси бўйлаб темир йўлга, темир йўл бўйлаб Аҳмад Дониш кўчаси ва Жумамасжид кўчаси кесишган жойга бўлган чегараларда.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 14-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг янги таҳрирдаги Регламенти тасдиқлансин (илова қилинади).
2. Марказий сайлов комиссиясининг 2001 йил 1 ноябрдаги 128-сонли қарори билан тасдиқланган Регламент бекор қилинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг
Раиси**

Б.МУСТАФАЕВ

*Тошкент шаҳри,
2004 йил 8 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
РЕГЛАМЕНТИ**

Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) раҳбарияти ва аъзоларининг вазифаларини, комиссия мажлисларини ўтказиш, қарорларини қабул қилиш, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ваколатларни амалга оширишга йўналтирилган Марказий сайлов комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

Марказий сайлов комиссиясининг ташкил этилиши, ваколоти, асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунлар билан белгиланади.

І. Умумий қоидалар

1-модда. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади, ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилиқ принциплари асосида олиб боради.

2-модда. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

— сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

— сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш

ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

— округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

— сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

— округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

— чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

— сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

— сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

— тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шакллари, овоз бериш қутилариининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи

комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

— сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

— сайловнинг ва референдумнинг якуини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этади;

— сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатнинг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек, уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

— сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

— сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

— сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда ҳатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

— сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди;

— Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

— қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3-модда. Марказий сайлов комиссияси қонун ҳужжатларида ва ушбу Регламентда белгиланган қуйидаги ваколатлардан фойдаланади:

1) Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясида доимий ишлашлари юзасидан қарорлар қабул қилади;

2) Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув Кенгаши тўғрисидаги Низомни ва унинг таркибини тасдиқлайди.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.

4-модда. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади. Комиссия аъзолари унинг қарорига биноан доимий асосда ишлашлари мумкин.

5-модда. Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари педагогик, илмий ва бошқа ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

6-модда. Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига номзод этиб, ишончли вакил ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳининг аъзоси этиб рўйхатга олинган Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин:

— у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

— у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

— унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

— у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда.

7-модда. Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдум ўтказувчи комиссиялар учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

8-модда. Марказий сайлов комиссияси юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига ҳамда рамзига эга.

9-модда. Марказий сайлов комиссиясининг расмий нашри — ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси» — «Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан».

10-модда. Марказий сайлов комиссиясининг доимий қароргоҳи — Тошкент шаҳри. Комиссия мажлислари унинг доимий қароргоҳида ўтказилади. Комиссия сайёр мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

**II. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси,
Раис ўринбосари, котиби ва аъзолари**

11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

12-модда. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва Комиссия котиби Комиссия аъзолари орасидан Комиссиянинг мажлисида сайланадилар.

13-модда. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:

- Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, комиссиянинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;
- давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда Марказий сайлов комиссияси номидан иш қўради;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, референдум яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;
- тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;
- Марказий сайлов комиссияси қарорларининг ижроси ва Комиссия Котибияти фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- Марказий сайлов комиссиясининг истиқболдаги ва жорий фаолиятини режалаштиришни ташкил этади, иш режасининг бажарилишини назорат қилади;
- ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради;
- Марказий сайлов комиссияси қарорлари ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;
- Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;
- Марказий сайлов комиссияси ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда Ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;
- Қонунлар ва мазкур Регламентда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари:

- Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ўз ваколатларини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек, Раис бўлмаганида, унинг вазифаларини бажаради;
- Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, Котибият ходимларига топшириқлар беради;
- оммавий ахборот воситалари билан алоқалар ўрнатади, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;

- Марказий сайлов комиссияси Раисининг топшириқларини бажаради;
- мазкур Регламентда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

15-модда. Марказий сайлов комиссияси Котиби:

- Марказий сайлов комиссияси Котибиятига бевосита раҳбарлик қилади, унинг ишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- Марказий сайлов комиссияси мажлисларини ташкиллаштиради ҳамда муҳокама этиладиган масалалар юзасидан қарор лойиҳалари ва бошқа зарур ҳужжатларни тайёрланишини таъминлайди;
- Марказий сайлов комиссияси қарорлари ва бошқа материаллар Комиссия аъзолари, қуйи сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига етказилишини таъминлайди, шунингдек Комиссиянинг мажлислари ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси», «Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан» журналида чоп этилишини таъминлайди;
- Марказий сайлов комиссияси Раисининг топшириқларини бажаради;
- Мазкур Регламентда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари, котиби вақтинчалик бўлмаганда уларнинг вазифаси Комиссия Раиси томонидан Марказий сайлов комиссиясининг бошқа аъзоларига юклатилиши мумкин.

17-модда. Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси:

- Марказий сайлов комиссияси Раисининг топшириқларини бажаради;
- Марказий сайлов комиссияси мажлисларини тайёрлашда, унинг қабул қилган қарорларини бажарилишини назорат қилишда қатнашади;
- ушбу Регламентда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**III. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
мажлисларини ўтказиш тартиби**

18-модда. Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг мажлислари ҳисобланиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий миқдорининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19-модда. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси, Раис ўринбосари ва котиби ваколатини зиммасидан соқит қилган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси мажлисини комиссия аъзолари орасидан энг кексаси очади ва раис сайлангунга қадар олиб боради.

20-модда. Марказий сайлов комиссияси ўз ваколати доирасидаги ҳар қандай масалани кўриб чиқишга ҳақли. Қуйидаги масалалар фақат Комиссия мажлисларида ҳал этилади:

— Марказий сайлов комиссияси Раиси, Раис ўринбосари, Комиссия котибини сайлаш ва уларни лавозимидан озод қилиш;

— Марказий сайлов комиссияси аъзоси Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишлаши тўғрисидаги масала;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш;

— сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харajatлар сметасини тасдиқлаш;

— сайлов округлари ва сайлов ўтказувчи округ комиссияларини тузиш;

— сайлов ва референдум якунини чиқариш ва уларнинг натижасини эълон қилиш;

— Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни ва Сенат аъзоларини рўйхатга олиш;

— бўшаб қолган ўринларга сайлов кунини белгилаш ва уни ўтказиш;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шакллари, овоз бериш кутилари, ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилаш;

— сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишларига ижозат бериш;

— қуйи сайлов комиссияларининг қарорларини бекор қилиш;

— Марказий сайлов комиссияси иш режасини тасдиқлаш;

— Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаларини ва низомларини тасдиқлаш;

— Марказий сайлов комиссияси Регламентини қабул қилиш, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа масалаларни кўриб чиқиб ҳал этиш.

21-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлислари, қоида тариқасида, очиқ ва ошкора ўтказилади. Комиссия мажлисларида номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг, давлат бошқаруви органларининг вакиллари, хорижий кузатувчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишга ҳақлидирлар.

Мажлисларга қуйи сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари, олимлар, эксперт ва мутахассислар таклиф қилиниши мумкин.

22-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлисларида Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг масъул ходимлари иштирок этадилар.

23-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлислари Комиссиянинг иш режасига мувофиқ ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси мажлислари Комиссия

Раисининг ташаббуси билан ёки Комиссия аъзолари умумий таркибининг учдан бир қисми талабига биноан ҳам чақирилади.

24-модда. Марказий сайлов комиссияси котиби Комиссия аъзоларини мажлис белгиланган кун ҳақида хабардор этади ҳамда уларга мажлис белгиланган кундан камида уч кун олдин ўтказиладиган мажлис билан боғлиқ зарур материаллар етказилишини таъминлайди.

25-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлисида раислик қилувчи:

- Комиссия мажлисини олиб боради;
- Комиссия мажлиси кун тартибидаги масалаларнинг муҳокама қилинишини ташкил қилади ва уларни овозга қўяди;
- Комиссия аъзоларининг барча таклифларини уларни тушиш тартибига кўра овозга қўяди;
- Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларнинг мазкур Регламент қоидаларига риоя этишларини таъминлайди.

26-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлислари давлат тилида олиб борилади. Зарур ҳолларда бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин. Мажлисларда баённома ва стенограмма юритилади.

Марказий сайлов комиссияси мажлисининг баённомасида кун тартиби, мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг фамилияси, исми-шарифи, кўриб чиқилган ҳар бир масала юзасидан овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарорлар қайд этилади.

Баённомага мажлисда қабул қилинган Марказий сайлов комиссияси қарорлари, йўриқнома, хулоса ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Комиссия аъзоларининг ариза ва мурожаатлари ҳамда алоҳида фикрлари илова қилинади. Баённома мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади. Марказий сайлов комиссияси Раисини сайлаш тўғрисидаги қарор Комиссия мажлисида раислик қилган Комиссия аъзоси томонидан имзоланади.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига, Сенатни шакллантиришга доир ҳамда референдум натижалари тўғрисидаги Марказий сайлов комиссияси баённомалари Комиссия мажлисида иштирок этган барча Комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

28-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлиси кун тартибидаги масалаларни тайёрлаш учун Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Котибият ходимлари, олимлар, экспертлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

29-модда. Қабул қилинган қарордан норози бўлган Марказий сайлов комиссияси аъзоси ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён этиш ҳуқуқига эга, унинг фикри Комиссиянинг барча аъзоларига етказилади ва тегишли мажлис баённомасига илова қилинади.

30-модда. Марказий сайлов комиссияси қарорлари матбуотда эълон қилинади.

IV. Яқуний қоидалар

31-модда. Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-услугий, ахборот-таҳлилий, молиявий, моддий-техник, ижтимоий-маиший ва бошқа таъминоти Комиссия котибияти томонидан амалга оширилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва унинг иш тартибини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси тасдиқлайди.

32-модда. Марказий сайлов комиссияси Регламенти, унга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар комиссия мажлисида кўриб чиқилади.

33-модда. Марказий сайлов комиссияси Регламенти қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг 3- банди ва 12-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

Тошкент шаҳри бўйича

1-Оқтепа округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Каримов Фатхулла Шукурович Тошкент молия институти проректори

Раис ўринбосари:

Нодиров Раҳимжон Орипович А.Икромов тумани «Нуроний» жамғармаси раиси

Комиссия котиби:

Маликова Саодат Толиповна Тошкент шаҳридаги 238-сонли мактаб директори

Комиссия аъзолари:

Эргашев Акбар Турсунович «Тошкентсут» акционерлик жамияти бошқаруви раиси

Маҳмудов Маҳкам А.Икромов тумани Ободонлаштириш бошқармаси устаси

Муртазаева Галина Владимировна А.Икромов тумани 1-нотариал идораси катта нотариуси

Расулов Мурод Камолович «Фонон» илмий — ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-заводи директори

Расулов Асқар Сафиевич «Ҳисоблаш техникаси таъмири ва техник хизмат кўрсатиш» жамоа корхонаси директори

Шахабова Мунира Муҳитдиновна А.Икромов туманидаги 8-сон оилавий шифохона бош шифокори

Ярмухамедов Юсуф Раҳмонович «Фонон» илмий — ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-сонли заводи директори

Фуломов Хайрулла Абдуллаевич «2512-автожамланма» директори

2-Дархон округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Собиров Жўрабой Марифбоевич

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори

Раис ўринбосари:

Умурзоқов Ўктам Пардаевич

Тошкент ирригация ва мелиорация институти 1-проректори

Комиссия котиби:

Умароҳунов Эркин Мирзахидович

Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Қудузов Маҳмуд Саломович

«Корфармсаноат» қўшма корхонаси бош директори

Абдукадыров Рустам Тўйчиевич

«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти экспорт қилиш бўлими бошлиғи

Маврулов Абдухалил Абдулхаевич

Тошкент давлат маданият институти проректори

Мамадалиев Суннат Набиевич

«Фан нашриёти» босмаҳона-унитар корхонаси директори

Нуралиев Тўрабек

«Дон-нон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Фозилов Шавкат Хайруллаевич

Ўзбекистон ФА «Замонавий информацион технологиялари» илмий маркази директори

Шин Агреппина Васильевна

Тошкент ахборот технологиялари коллежи директори

Ярашев Комилжон Деҳқонович

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти проректори

3-Темир йўл округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Каримов Шавкат Валиевич

«Ўзэлектраппарат» акциядорлик жамияти раиси

Раис ўринбосари:

Раҳмонова Шарофат Қуддусовна

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг кафедра мудири

Комиссия котиби:

Зокиров Ғофур Тохирович

Тошкент автомобиль йўллар институти проректори

Комиссия аъзолари:

Обидов Бахтиёр Тўхтасинович

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани бўлими кенгаши раиси

Аҳмедов Аҳмад Асқарович	«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тиббий санитария қисми бош шифокор ўринбосари
Мансуров Ашур Равшанович	Бектемир тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси
Маҳмадалиева Озода Саидвалиевна	Миробод туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Мокшина Вера Дмитриевна	«Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
Отажонова Ойгул Каримбердиевна	Бектемир тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари
Шоаҳмедов Шоабдулла	Бектемир тумани халқ таълими бўлими мудири
Қурбонов Шўҳрат Эргашевич	7-сон болалар стоматология поликлиникаси бош шифокори

4-Қорақамиш округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Баратов Нуриддин Мансурович	«Агрегат заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари
-----------------------------	---

Раис ўринбосари:

Маҳмудова Дилбар Иноятовна	Педиатрия илмий текшириш институти директори
----------------------------	--

Комиссия котиби:

Ғофурова Муборак Абдураззоқовна	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электромагнит мослашуви марказининг махсус бўлими етакчи муҳандиси
---------------------------------	--

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Ҳамдам Халилович	«Тошкент подшипник заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Абдушукуров Абдуқодир Ғофурович	Тошкент давлат техника университети кафедра мудири
Орипова Гулнора Собировна	2-Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги тиббиёт коллежи директори
Аҳмедова Хурсанд Норқобиловна	С.Раҳимов тумани «Қизил ярим ой жамияти» кенгаши раиси
Турсиметова Шазада Расаматовна	С.Раҳимов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари
Шарипов Мансурхўжа Пўлатович	«Шарқ Риэтиуми» Ўзбек-Латвия қўшма корхонаси бош директори
Юлдашев Хасан Ортиқович	Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи директори

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси

Ганихўжаева Муҳайё Саидовна

С.Раҳимов туманидаги 298-сон мактаб директори

5-Қўйлиқ округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Мирёкубов Мирқосим Ходиевич

Тошкент шаҳридаги 143-сон автокорхона директори

Раис ўринбосари:

Ибрагимов Зокирхон Фозилхонович

Тошкент аэропорти давлат унитар корхонаси директори

Комиссия котиби:

Мусаев Аҳмад Нурметович

Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Ҳикматилла Ҳамидович

«Давон» жамоа корхонаси директори

Очилов Хуршид Асқарович

Маъмурий бинолардан фойдаланиш департаментининг Сирғали туман бўлими бошлиғи

Охунова Зулхуморхон Нажибуллаевна

Тошкент шаҳридаги 284-сон мактаб ўқитувчиси

Мамаджонов Аваз Каримжонович

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирғали тумани бўлими кенгаши раиси

Миндарь Анатолий Алексеевич

«Ўзбекистон айрвейз техникс» миллий авиакомпания корхонаси директори

Рустамов Ансор Ниғмонович

Сирғали тумани молия бўлими мудири

Содиқов Алишер Одилович

«4-сон Автобус саройи» акционерлик жамиятида ҳуқуқшунос

Содиқов Рустам Суратович

Сирғали тумани халқ таълими бўлими мудири

6-Саноат округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Иноғомов Хотам Иноғомович

«Ўзенгсанлойиҳа» институти директори

Раис ўринбосари:

Умаров Маҳмуд Маратович

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси бошқаруви раиси

Комиссия котиби:

Пўлатова Шоира Шомансуровна

Ҳамза туманидаги 3-сон оилавий шифохона бош шифокори

Комиссия аъзолари:

Ғоипов Рўзимурод Юсупович

Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси

Жўраев Алишер Усмонович	«Шоҳруҳ» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари
Нишонов Улуғбек Пўлатович	«Тегирмон-новвойхона жиҳозлари» масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳандиси
Петросов Виктор Сергеевич	«Авиасозлар маданият ва техника саройи» директори
Пигарев Владимир Яковлевич	Тошкент шаҳар болалар маслаҳат-ташхис маркази бош шифокори
Прохорова Александра Петровна	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти марказий шифохонаси бош шифокори
Рустамов Шавкат Саҳаддинович	Ҳамза туманидаги 2-сон ҳуқуқий маслаҳатхона мудир
Шермуҳаммедова Нигора Тошпўлатовна	18- сон оилавий шифохона бош шифокори

7-Дўмбиробод округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Азимов Мирильёс Ўлмасович «Алгоритм» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Раис ўринбосари:

Назаров Жалолиддин Назарович Чилонзор тумани санитария-эпидемиология маркази бош шифокори

Комиссия котиби:

Каримова Барно Эргашевна Чилонзор туманидаги 1-педагогика билим юрти директори ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Абдуқодирова Зуҳра Абдусатторовна Чилонзор туманидаги 167-сон болалар боғчаси мудираси

Абдураҳмонов Йўлдошхўжа Тўраевич Чилонзор туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Хикматов Равшан Саидумарович Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари

Борисова Елена Михайловна Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази директори ўринбосари

Ибрагимов Баҳром Юлдашевич «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасининг ҳуқуқшуноси

Соатова Нигора Абдуҳашимовна Чилонзор туманидаги 24-сон оилавий поликлиника бош шифокори

Фатхуллахўжаев Анвар Алимжонович «Ўзбек ДЕВОЛИРИ» қўшма корхонаси бўлим бошлиғи

Юлчиева Гулнара Тўлқиновна Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Ахборотлар технологияси» кафедраси катта ўқитувчиси

8-Хадра округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Юсипов Мирзоҳид Мирсаидович

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг бўлим бошлиғи

Раис ўринбосари:

Алиев Бекдавлат

Тошкент кимё-технология институти 1-проректори

Комиссия котиби:

Пирмухамедова Зарифа Ваҳобовна

Шайхонтоҳур туманидаги 59-сон мактаб директорининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Абдукомиллов Шухрат Турсунович

«Ўзшаҳарсозлик — ЛИТИ» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Зокиров Аҳмаджон

Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролари йиғини раиси

Ибрагимова Дилфуза Шукуровна

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўқув даволаш мажмуаси поликли-никасининг бош шифокори

Мавлянов Хусниддин Ортиқович

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Ақромов Камолиддин Сайфиддинович

Усмон Носир номли Тошкент матбаа ноширлик касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари

Фатихова Сайёра Гарифовна

Шайхонтоҳур тумани уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи

Ғофуров Маҳмуд Сайфиддинович

Шайхонтоҳур тумани «Нуроний» жамғармаси раиси

Қамбаров Рухиддин Минхожиддинович

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети қошидаги «Шайхонтоҳур» академик лицейининг аниқ фанлар йўналиши раҳбари

9-Бодомзор округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Мўминов Неъматилла Абдуллаевич

Тошкент ахборот технологиялари университети 1-проректори

Раис ўринбосари:

Хан Валерий Михайлович

Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонаси бош шифокори

Комиссия котиби:

Усмонова Мактуба Абдураҳимовна

235-сон болалар мактабгача тарбия муассасаси мудираси

Комиссия аъзолари:

Арипов Шавкат Илхамович	Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги академик лицей директори
Икромова Саодат Рустамовна	М.Улуғбек туманидаги 437-сон болалар мактабгача тарбия муассасаси мудираси
Иноятова Раъно Аминжоновна	Тошкент шаҳридаги 5-сон оилавий поликлиника бош шифокори
Асомов Маҳмуд Суннатуллаевич	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани кенгаши раиси
Дўстов Улуғбек Норматович	Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси
Хасанова Дилфуза Раҳимовна	М.Улуғбек туманидаги 7-сон оилавий поликлиника бош шифокорининг ўринбосари
Холмуродов Ҳабибулло Бердиевич	«Қизилқум сергайраткорлар артели» ишлаб чиқариш кооперативи раиси
Честнов Валентин Андреевич	«Тошкент иссиқлик маркази» очиқ турдаги акциядорлик бирлашмаси директори

10-Астробод округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Абдуллаев Бахтиёр Рустамович	17-Тошкент шаҳар клиник шифохонаси бош шифокори
------------------------------	---

Раис ўринбосари:

Джураев Равшан Ахмедович	Юнусобод машинасозлик коллежи директори
--------------------------	---

Комиссия котиби:

Джалилова Санобар Курбоновна	Юнусобод туманидаги 191-сон болалар мактабгача тарбия муассасаси мудираси
------------------------------	---

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Равшан Шокирович	Юнусобод туманидаги 2-сон болалар стоматология шифохонаси бош шифокори
Баирова Малика Атхамовна	С. Раҳимов туманидаги 185-сон ўрта мактаб директорининг ўринбосари
Болтаев Алишер Расулович	Тошкент давлат юридик институтининг «Давлат ва ҳуқуқ» кафедраси доценти
Илиева Насиба Султоновна	Юнусобод тумани Файратий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини котибаси
Пўлатов Саидориф Амирович	Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси

Хадиева Зиёда Аълаевна	С. Раҳимов туманидаги 5-сон болалар стоматология шифохонаси бош шифокори
Халиқулова Зебо Хикматовна	Юнусобод туманидаги 220-сон мактаб директори
Шамансуров Шоислам Султанович	«Компрессор заводи» очиқ акциядорлик жамияти бош-қаруви раиси

11-Тўқимачи округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Қодиров Баҳром Ғофурович	Тошкент давлат педагогика университети ректори
--------------------------	--

Раис ўринбосари:

Абдуғаффоров Абдусаттор Абдужабборович	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 1-проректори
---	--

Комиссия котиби:

Толонова Гавҳархон Абдурашидовна	Яккасарой туманидаги 160-сон мактаб директори
----------------------------------	---

Комиссия аъзолари:

Асомутдинов Хуснитдин Камолетдинович	«Тошкент қурилиш моллари комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
--------------------------------------	---

Жумаев Ойбек Чариевич	Тошкент давлат молия институти 1-проректори
-----------------------	---

Каримов Муҳаммадали Абдуғаниевич	«Тошвилтранс» автомобилда юк ва йўловчилар ташиш ҳудудий уюшмаси раиси
----------------------------------	--

Муҳаммадиёров Комилжон Содиқович	Яккасарой тумани «Конституция» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
----------------------------------	---

Одилова Махсума Мирагзамовна	Чилонзор туманидаги 5-сон юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокорининг ўринбосари
------------------------------	---

Турсуналиев Рузи	Яккасарой тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси
------------------	--

Файзиев Шухрат Хасанович	Тошкент давлат юридик институтининг «Экология ва қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқи» кафедраси мудири
--------------------------	---

Холмўминов Шайзак Раҳматович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори
------------------------------	---

Андижон вилояти бўйича

12-Андижон округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Сиддиқов Позилжон Абдуғаппорович	Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўринбосари
----------------------------------	---

Раис ўринбосари:

Мелиев Орифжон Маматқулович	«Андижонпойабзал» очиқ турдаги ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти бош муҳандиси
-----------------------------	--

Комиссия котиби:

Ўринбоев Эгамберди Мамасолиевич Андижон енгил саноат политехникуми бўлим бошлиғи

Комиссия аъзолари:

Мамарасулова Оқибатхон Усмонжоновна Андижон шаҳридаги 43-сон ўрта мактаб ўқитувчиси

Зокирова Умидахон Аҳмаджановна Андижон шаҳридаги 30-сон мактаб илмий бўлими му-
дири

Собиров Санжар Холдоревич Андижон давлат университети ўқитувчиси

Жалолов Азизбек Жамолдинович Андижон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитув-
чиси

Қориев Сайфутдин Фазлиддинович Андижон шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-
за қилиш бўлими давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори

Сабилова Галия Агзамовна Андижон шаҳридаги Механика заводи кадрлар бўли-
ми бошлиғи

Жумабоева Дилбархон Ҳасанжановна Андижон шаҳридаги 1-болалар шифохонаси мута-
хассиси

Мўминов Абдусалом Андижон шаҳридаги 5-сон поликлиника шифокори

13-Олтинқўл округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Солиев Баҳтиёр Комилович Олтинқўл туманидаги Намуна ширкат хўжалиги раи-
сининг ўринбосари

Раис ўринбосари:

Раҳимов Алишер Юсупжонович Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти техноло-
гия факультети декани

Комиссия котиби:

Исмоилов Серобиддин Позилжонович «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олтинқўл туман-
ни кенгаши раиси

Комиссия аъзолари:

Эгамназаров Шахобиддин Олтинқўл тумани Давлат солиқ инспекцияси Ҳуқуқий
шахсларни солиққа тортиш бўлимнинг бошлиғи

Зокирова Дилфуза Комиловна Олтинқўл туманидаги 1-сон мактаб ўқитувчиси

Болтабоев Абдулҳамид Воҳобович Олтинқўл тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъмин-
лаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи-
нинг ўринбосари

Қўчқоров Хайрилло Олтинқўл туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги меҳ-
нат ҳисобчиси

Мусабеков Анварбек Пўлатович Андижон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида
бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси

Акбаров Улуғбек Жакбарович	Олтинқўл туманидаги 2-сон мактаб директори
Арзиқулов Қосимжон	«Электродвигатель» акциядорлик жамияти бош муҳандиси
Каримов Абдуқаҳҳор	Олтинқўл туманидаги Иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси

14-Балиқчи округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Турғунов Зухриддин Турсунович	Балиқчи туманидаги Болалар поликлиникаси мудир
-------------------------------	--

Раис ўринбосари:

Сўфижонов Абдуғани Юнусович	Улуғнор тумани халқ таълими бўлимининг мудир
-----------------------------	--

Комиссия котиби:

Тошпўлатов Камолиддин Муҳаммаджонович	Балиқчи тумани халқ таълими бўлими назоратчиси
--	--

Комиссия аъзолари:

Адилов Дилшодбек Рустамович	Балиқчи тумани Давлат солиқ инспекцияси Назорат бўлимининг шўъбаси бошлиғи
-----------------------------	--

Мамажонов Салоҳиддин Маҳмудович	Улуғнор тумани ширкат ва якка тартибдаги тураржойлар бошқармаси бошлиғи
---------------------------------	---

Отахонов Орифжон	Улуғнор тумани Ижтимоий таъминот бўлими мудир
------------------	---

Раҳимов Абдумуталиб Зокирович	Балиқчи тумани ер ресурслари хизмати мутахассиси
-------------------------------	--

Қамбаров Файрат Эргашевич	Олтинқўл тумани Марказий шифохонаси бош услубчиси
---------------------------	---

Қирғизов Шокиржон Мўминович	Балиқчи тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг бошлиғи
-----------------------------	--

Қўзиев Таваккал Рашидович	Балиқчи тумани маданият бўлими Услугият бўлими мудир
---------------------------	--

Ғозиев Комилжон	Улуғнор тумани ҳуқуқий маслаҳатхонаси мудир
-----------------	---

15-Шаҳрихон округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Тошбоев Абдуманноф	Шаҳрихон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси мутахассиси
--------------------	---

Раис ўринбосари:

Рўзиев Аҳмаджон	«Андижонтелеком» Шаҳрихон бўлими бош иқтисодчиси
-----------------	--

Комиссия котиби:

Ҳамидов Абдупатто

Шаҳрихон тумани халқ таълими бўлими мактаблар назоратчиси

Комиссия аъзолари:

Турсунов Қодиржон

Шаҳрихон агросервис коллежи директори

Жалолова Қория

Шаҳрихон туманидаги Олтин водий ширкат хўжалиги аъзоси

Камолов Муроджон

Шаҳрихон тумани Иқтисодиёт ва статистика бўлими бошлигининг ўринбосари

Казаков Абдуваҳоб

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси Бўз тумани бўлими бошлиғи

Абдураҳимова Замирахон

Бўз тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

Аҳмадалиев Азизбек

Бўз тумани электр тармоқлари корхонаси диспетчери

Раҳмонов Бахтиёр

Бўз қурилиш касб-ҳунар коллежи директори

Мирзаев Мухторжон

Бўз туманидаги Солимахсум маҳалла фуқаролари йиғини раиси

16-Асака округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Маматкаримов Шавкатбек

Асака туманидаги Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори

Раис ўринбосари:

Ашуров Ҳалимжон

Асака туманидаги 21-сон мактаб директори

Комиссия котиби:

Сотволдиев Файратилло

Асака туманидаги Мустаҳкам қишлоғи фуқаролари йиғини котиби

Комиссия аъзолари:

Адҳамов Шукрулло

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят минтақавий филиали Асака тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги вакили

Қодиров Раҳмиддин

Асака улгуржи савдо акциядорлик жамияти раиси

Мадраҳимов Баҳодир

Шаҳрихон тумани марказий шифохонасининг Юқумли касалликлар бўлими мудир

Нишонова Маъмурахон

Асака туманидаги 31-сон мактаб директори

Эргашев Шаҳобиддин Арапович

Асака туманидаги 17-сон мактаб директори

Фуломов Ҳабибулло

Шаҳрихон туманидаги «Азизбек» хусусий фирма раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси

Алимбоев Илҳомжон Иқромбоевич	Асака тумани халқ таълими бўлимида услубчи
Усмонов Ойбек	Асака педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

17-Истиқлол округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Сафаров Алишер Зоҳидович	Асака маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори
--------------------------	--

Раис ўринбосари:

Гофуржонов Абдурахмон Қодирович	Асака шаҳар меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи
---------------------------------	--

Комиссия котиби:

Мўминова Дурнисахон Комилжоновна	Асака шаҳар халқ таълими бўлими услубият хонаси мудир
----------------------------------	---

Комиссия аъзолари:

Болтабоев Расулжон	«Маҳалла» хайрия жамғармаси Асака шаҳар бўлимининг раиси
Иралиев Ҳошимжон Қўлдошев	Асака шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси
Қорабоев Дониёр	Асака туманидаги 16-сон махсус мактаб-интернат директори
Исмоилов Иброҳим Ибронович	Марҳамат тумани марказий шифохонасининг бош врач
Сувонов Соғинбой	Марҳамат тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси
Мирзаев Иброҳимжон	Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марҳамат тумани бўлимининг раиси
Маткаримова Умида Қирғизбоевна	«Қизил ярим ой» жамияти Марҳамат тумани кенгашининг раиси
Сайдуллаев Шухратжон Саидкаримович	«Маҳалла» хайрия жамғармаси Марҳамат тумани бўлими раиси

18-Булоқбоши округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:

Арзиев Мадаминжон	Булоқбоши тумани марказий касалхонаси ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси
-------------------	---

Раис ўринбосари:

Тукаев Латибжон	Хўжабод тумани почта-алоқа корхонаси директори
-----------------	--

Комиссия котиби:

Маматова Эътиборхон Йўлчиевна	Булоқбоши тумани халқ таълими бўлимининг мактаб-гача тарбия муассасалари услубчиси
-------------------------------	--

Комиссия аъзолари:

Боймирзаев Расулжон Қодирович	Булоқбоши тумани Якка тартибда уй-жой қуриш бош-қармаси бошлиғи
Тоштемиров Маҳмуджон Мамасолиевич	Булоқбоши тумани Марказий поликлиникаси врачлари
Шерматов Камолидин Жамшидович	Булоқбоши тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари
